

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ҚАРАШЛАР

Тухтасин Худайбергенович Ташметов

Чирчиқ давлат педагогика университети доценти, фалсафа доктори (PhD)

E-mail:toshmetovtuxtasin@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Жамиятда маънавият соҳасини ривожлантириш янги технологияларни жорий этишни тақозо қилади. Чунки бу – маънавиятни ёшлар дунёқарашига таъсирини таъминловчи муҳим воситадир. Шу боис, ҳозирги вақтда маънавиятни ёшлар дунёқарашига таъсирини оширишда фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан биргаллик, маънавиятни тарғибот қилишдаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита шу соҳа вакили фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга ошириш бугунги кун давр талабидир.

Калит сўзлари: Жамият, миллат, маънавият, мафкура, маърифат, қадрият, миллий ғурур, ахлоқ, ор-номус, интеллектуал, баркамол, тарғибот, тарбия, инновацион, таълим, постиндустриал, кашфиёти, идеосфера, бузғунчи ғоя, инсонпарварлик.

Ҳар қандай миллатнинг тараққиёти жамиятдаги ёшлар қатламининг маънавий қадриятларга муносабати, унинг ёшлар онги ва қалбига қандай таъсир этаётганлигига ҳамда амалий фаолиятларига қай тарзда таянишларига бевосита боғлиқ. Республикамизда ёшлар аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Ёшларнинг маънавиятни англаши, унинг эътиқод даражасига кўтарилиши улар ижтимоий ҳаётида, кундалик турмуш тарзида қандай янги қадриятлар шакллантирилганлигига ҳам боғлиқ. Чунки маънавият, бир томондан, ёшлар билан боғлиқ бўлган жараён сифатида қаралса, иккинчи томондан, ёшлар маънавиятнинг илғор ривожлантирувчилари ва келажак авлодга етказувчилари ҳисобланадилар. Учинчидан, ёшларнинг маънавият билан қуролланганлик ва уни англаш даражаси жамият тарққиётининг суръатини белгилайди. Бу ҳолат маънавият ва ёшларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи омил сифатида эътиборлидир.

Шу боис, ҳозирги кунда ёшлар орасида маънавият, ор-номус билан боғлиқ маънавий, ахлоқий ва руҳий ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, ёшларнинг олдида сохтакорликдан қочиш, мавжуд қийинчиликлар ва муаммоларни очик-ойдин баён этиш лозим[1]. Айти пайтда давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган



ижобий ишлар ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлари ва эришилаётган амалий натижалар хусусида тарғибот ишларини олиб боришга ёшларни руҳлантириш, унинг давлатимизга бўлган ишонч-эътиқодини мустаҳкамлаш олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз, ижтимоий соҳа вакиллари, миллий мафкура билан шуғулланувчи барча тарғиботчиларнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Бу ўз навбатида, ёшларнинг миллий кадриятга муносабати масаласи маънавият асосида «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» деган устувор мақсад ва манфаатларини умумлаштирадиган, шу мафкураларни бойитиш ва эътиқодга айлантириш билан боғлиқ. Бизнинг фикримизча, бу ишларни йўлга қўйиш учун қуйидаги масалага алоҳида эътибор бериш лозим:

биринчидан, жорий вазиятни, яқин келажагимизнинг ривожланиш тамойилларини, ундаги салбий ҳолатларнинг сабабларини объектив ўрганадиган мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг салоҳият ва имкониятларидан тўла фойдаланиш зарур;

иккинчидан, тез суръатларда ўзгараётган, тўхтовсиз янгиланаётган замон, ҳаётимизда тез-тез рўй бериб турган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар, давлат мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий заминларини бундан ҳам мустаҳкамлаш ва барқарорлаштиришга бўлган талаб ва эҳтиёжлар маънавий, маърифий, мафкуравий ишларни янада жадаллаштириш йўлида сафарбар этиш;

учинчидан, маънавиятнинг таъсири, бир томондан, маърифат-тарғибот ишлари, унинг самарадорлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ёшларнинг кундалик ҳаётда дуч келаётган масалаларни тушунишлари, уларнинг муносабатларига, уни қандай ҳал этаётганликларига боғлиқдир. Миллат келажаги ва Ватан учун фидойи ёшлар бўлмаса, маънавият мафкурасида кўзда тутилган мақсадларга эришиб бўлмайди[2]. Бу эса ёшларда миллий ғурурнинг баланд бўлишини тақозо этади.

Таҳлилимизга кўра, жамиятда маънавиятни тарғибот қилишдаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита шу соҳа вакили фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият – бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъерининг юзага келган меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда ижтимоий-сиёсий ҳаётга

янгиликлар олиб кириш орқали мафкуравий қарашлар ривожига катта таъсир кўрсатади. Агар инновацион ғоя шундай мазмунга йўғрилмаган бўлса у, албатта, яна бир янги типдаги бузғунчи ғоя ва қарашларни келтириб чиқариши муқаррардир.

Ҳозирги кунга келиб инновация феномени техник-иқтисодий соҳанинг тор доирасини энгиб ўтган. Буни инновациянинг турли маънавий соҳаларида қўлланилаётганида ҳам кўриш мумкин. Эндиликда, инновацион фаолият ривожланишнинг асосий шарти сифатида намоён бўлмоқда. Таълимий, илмий, ижтимоий ва ҳоказо инновацияларнинг мавжудлиги жамиятнинг турли маконларида юзага келган янгиликка интилувчанлик хусусиятини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, замонавий социомаданий воқеликнинг характерли хусусиятидир. Э.К.Краснухиннинг таъкидлашича, ўтмишга муносабат ўзгармоқда ва жамиятда ижтимоий воқеликларни юзага келтирувчи асос сифатида анъаналардан кўра инновациялар аҳамиятлироқ ҳисобланмоқда.

Демак, инновация, энг аввало, ўз даври нуктаи назаридан асослашни тақозо этадиган мураккаб социомаданий феномендир. Бундан ташқари, инновация социомаданий ҳодиса сифатида ўз моҳиятига, нафақат, замонавий маданиятнинг барча тенденцияларини, балки у янгиликка йўналган феномен сифатида маданиятнинг келажагини ҳам сингдиради. Бизнинг фикримизча, инновацияга янги постиндустриал ривожланиш босқичи объективлашувининг социомаданий модели, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

А.И.Пригожиннинг фикрича, «янгилик киритиш махсус механизм сифатида кўплаб аниқ мақсадга йўналтирилган ўзгаришларда ўз ўрнига эга»[3]. Шундай экан, инновация тушунчасининг генезиси ва унинг замонавий адабиётлардаги таърифларининг таҳлили инновациянинг маданиятлашувини тадқиқ этиш ва шу орқали маданиятга ташқи омилларни киритиш ҳамда унинг таркибида янгиликни қарор топтириш механизми сифатида юзага келиб, XXI асрда техник-иқтисодий муаммолар доирасида янгиликни объективлаштириш, маданият ички салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган механизм сифатида таъкидлаш имконини беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда «инновация» тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз: *Инновация кўп қиррали жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган илгор ғоялар, улар асосида яратилган илмий-амалий лойиҳаларни илм-фанларнинг сўнгги ютуғи, техника ва технологияларнинг янги кашфиёти сифатида мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида қўлланилишидир.*

Ушбу фалсафий таърифдан ҳам кўриниб турибдики, ҳар қандай инновацион ғоя жамиятнинг идеосферасида қуйидагича

илмий-амалий аҳамият касб этади: ҳар қандай янгилик, энг аввало, ғоядан бошланади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг мафкуравий соҳасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш учун, аввало, замонавий маънавият керак бўлади. Бундай ғоя, биринчи навбатда, олимлар ва бошқа фаол фуқаролар томонидан илгари сурилади. Модомики, жамият ҳаётини ривожлантиришнинг инновацион ғоялар тизими ҳақида илмий фикрлар баён қилинган экан, энди уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш лозим бўлади[4]. Бунда эътиборни яратилган инновацион маънавият асосида илм-фан ва техника-технологиялар орқали амалга оширилган илмий ишланмаларнинг қандай натижалар беришига қаратиш зарурдир. Маънавият жамиятнинг турли соҳаларини қамраб олади ва инновацион характердаги миллий ғояларнинг ёшлар ғоявий-мафкуравий, ахлоқий-маънавий ҳаётига татбиқ этилиши уларни бунёдкор ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш ва бошқариш ишларининг самарали тарзда ташкил этилишига олиб келади.

Ўз навбатида, инновациялар технологиялар асосида маънавий соҳага янгиликлар олиб кириш орқали ёшлар онги ва қалбида миллий мафкурани шакллантиришимиз бугунги куннинг долзарб жиҳатлардан биридир. Шу маънода миллий мафкура халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғусини онги ва қалбимизга сингдириши лозим. Ўрганишларимиз асосида «миллий мафкура» тушунчасининг уч асосий жиҳати мавжудлигини аниқладик:

биринчидан, ўзбек миллий мафкураси дейиш тушунчанинг мазмун-моҳиятини торайтириш билан бирга биқиқлик ва худбинликка олиб келади. Шунинг учун мазкур тушунчани мустақил давлатнинг миллий манфаатлар мафкураси – умумий мафкуравий ғояси деб тушуниш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, турли ҳаракатлар, сиёсий партиялар мафкураси, йўл-йўриғи мафкуравий ғоядан четда ёки тескари бўлиб қолмаслиги керак. Ваҳоланки, мафкуралар ягона, бир бутун жамият миллий мафкурасига айланиши лозим;

учинчидан, миллий мафкурамиз глобаллашув мафкураси билан узвий боғлиқ бўлиб, халқимиз қудратига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон мамлакатлари орасида тенг ҳуқуқли ҳамда муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак, деб ўйлаймиз.

Шу ўринда айтиш лозимки, ғоявий-мафкуравий тизим фаолиятида инновацияларни қўллаш учун сарфланган харажат ва кучлардан мақсад кўпроқ юқори натижани қўлга киритиш ҳисобланади. Бунда инновациялар ўзининг бошқариш кучига айланган ўзгарувчан омил сифатида катта аҳамиятга эга эканлиги билан фарқланади.

Инновация кенг қамровли тушунча бўлганлиги, уларнинг барчасини умумлаштирган ҳолатда бир мавзу доирасида тадқиқ қилиш мураккаблиги боис бу ўринда фақат ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг инновацион технология жараёнлари ҳақида фикр юритамиз[5].

Бизнинг фикримизча, ёшлар маънавиятини юксалтиришда инновацион ёндашувлардан фаол фойдаланиш учун:

- а) уларда инновацион тафаккурни шакллантириш;
- б) интеллектуал салоҳиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш;
- в) жамиятда ёшлар ижтимоийлашувини ривожлантириш, яъни турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар билан ягона мақсад йўлида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- г) инновацион ғояларнинг моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланишига эришиш;
- д) яратилган инновацион ғояларни амалиётга татбиқ қилишни тизимли равишда ташкил қилиб бориш лозим.

Маънавиятни тарғиб қилишда инновация шу соҳа сифатини яхшилаш мақсадини кўзлаган ҳолда амалга оширилади. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маънавият тизимида шаклланган янгича ёндашувлардан иборат бўлади. Мазкур ёндашувлар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, маънавият тизимининг концептуал мазмунини ривожлантириш учун истиқболли асос бўлиб хизмат қилади.

Инновацион ёндашувлар асосида ёшлар маънавиятини юксалтиришда куйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

1. Ёшлар қалбида Ватанга садоқат, инсонпарварлик фазилатларини янада юксалтириш.
2. Миллий анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини ҳар томонлама очиқ беришга йўналтирилган давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилиш.
3. Ёшлар онгига оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур ва ифтихор, баркамол инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни сингдириш.
4. Маънавият тарғиботини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигида ташкил этиш.
5. Ислон дини ва фалсафасини ўрганишни миллий ғоя тамойиллари асосида амалга ошириш.
6. Ёшларда касби, маслағи ва эътиқодига содиқлик тушунчаларини шакллантириш.

Ёшларда мана шундай тафаккур тарзини ривожлантира олсак, Ватан осойишталиги ва эл-юрт тинчлиги ғояси устувор



бўлиб, миллий ғурур, миллий ифтихор жамиятимизнинг пойдеворига айланишига эришамиз.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган янги ислохотлар маънавият халқимизнинг куч-қудратига айланиши учун шароит яратди. Маънавиятни ҳар бир фуқаронинг нияти ва ҳаракатига айлантириш галдаги энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Яхши фикр яхшиликка, ёмон фикр ёмонликка йўл очади. Бу борадаги тажрибаларимиз ахборот майдонини фақат негатив контент эгаллаб олмаслиги учун маънавиятнинг тарғиботини инновацион технологиялар орқали янгича мазмунда тўлдириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

REFERENCES

1. Ташметов Т.Х. Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришнинг замонавий усуллари. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ёшлар ижтимоийлашувидаги ўрни ва аҳамияти”. -Т.: 2019. В 191-195.
2. Т.Т Khudayberganovich. (2020). The importance of the use of innovative technologies in raising the spirituality of young people. International journal of multidisciplinary research (IJMR). –p. 25-27.
3. Пригожин А.И. Современная социология организаций. – М., 1995. –С. 185.
4. Т.Т Khudayberganovich. (2020). Prospects for relying on the basis of the national idea in protecting young people from hard and harmful ideas. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal. Elsevier SSRN 9 (11) –p. 81-85.
5. Tuxtasin Xudayberganovich Tashmetov. (2021). Global yutuqlardan foydalanishda milliy g‘oyaning samaradorligini oshirish mexanizmlari. Academic research in educational sciences, 2(3), 596-602.